Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!

O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2010-yil 29-dekabr, chorshanba ● № 53 (701) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● e-mail: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

ИФТИХОР

Салмоқли сарҳисоб, эзгу режалар

Халқимиз янги — 2011 йилни ана шундай туйғулар билан кутиб оляпти

Ҳаётимизда навбатдаги яна бир йил ниҳоясига етиб, тарихга айланиш арафасида турибди. Бундай кезларда ҳар бир кишининг хаёли ва фикри беихтиёр сарҳисобга, ўтаётган йилда нималарга эришдик, келгуси йили олдимизда қандай вазифалар турибди, деган жиддий ўйларга мойил бўлади. Бир сўз билан айтганда, йил охири ва бошланаётган янги йил арафаси, таъбир жоиз бўлса, ғалвир сувдан кўтариладиган ҳамда янги режалар тузиладиган масъулиятли палладир.

Мамлакатимизнинг 2010 йилдаги ҳаётини хаёлан назардан ўтказиш ҳар биримизнинг қалбимизда мамнуният ва ғурур туйғуларини уйғотади. Айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ер юзида ҳукмрон бўлиб турган жорий йилда ҳам Ўзбекистон барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлидан қатъий бораётгани алоҳида диққатга сазовордир.

Айрим таққосларга мурожаат қилайлик. Бир қатор давлатларда инқироз таъсирида ҳолдан тойиб бораётган иқтисодиётни иложи борича тиклаш мақсадида ички молиявий омилларни излаб топишга уринмоқдалар. Бу "омиллар" эса инқироз вазиятида қийналаётган аҳоли имкониятларини янада чеклашдан иборат бўлиб қоляпти. Чунончи, Францияда пенсия ёшини 60 ёшдан 62 ёшга узайтириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Латвияда эса айрим солиқ турлари 18 фоиздан 21 фоизгача оширилиши тўғрисидаги дастур мамлакат парламенти томонидан тасдиқланди.

Бизда, аксинча, 2010 йил охирида аҳолининг реал даромадларини кўпайтириш мақсадида жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқ ставкаси солиққа тортишнинг биринчи ва ўрта шкаласи бўйича бир фоизга пасайтирилди. Шунингдек, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаларини 7 фоиздан 6 фоизга туширишназарда тутилмоқда. Эътиборли томони шундаки, бу чора 2011 йилда 50 миллиард сўмдан кўпроқ маблағни хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёрида қолдириш имконини беради. Гарчи солиқ сиёсатидаги бу ўзгаришлар, ислоҳотлар келгуси йилдан амал қилса-да, уларнинг асоси 2010 йилда яратилди.

(Давоми 2-бетда.)

Қорбобо: — *Болам, ўтар йил ҳисоб-китобини қиламан, десам, мана бу матоҳнинг рақамлари камлик қиляпти.*
Янги йил: — *Қўяверинг, бобожон ундан ҳам зўрларини ўзимиз яратамиз. Ахир биз Хоразмий, Беруний, Фарғонийлар авлодларимиз...*

«Болалик шаҳарчаси»даги шодиёналар

Пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонида Янги йил байрами шодиёналари бошланди

Бу ерда барпо этилган «Болалик шаҳарчаси» қалби орзуларга тўла болажонлар, пойтахтлик ва мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган ҳамюртларимиз, шунингдек, хорижлик меҳмонлар билан гавжум. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси каби ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу байрам тантаналари барчада катта қизиқиш ва таассурот уйғотмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган барча ислоҳотлар негизида ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, маънавиятини юксалтириш ва саломатлигини мустаҳкамлаш, бир сўз билан айтганда, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни вояга етказиш мақсади мужассам. Поёнига етиб бораётган Баркамол авлод йилида бу йўналишдаги эзгу ишлар кўлами янада кенгайди.

Ватанимизнинг юраги бўлган Мустақиллик майдони шу кунларда ҳар қачонгидан гавжум. Майдонда ранг-баранг ўйинчоқлар ва турфа чироқлар билан безатилган маҳобатли арча наинки кичкинтойлар, балки барча инсонларнинг қувончига қувонч, завқига завқ қўшмоқда. Бу «Совпластитал» қўшма корхонасининг жажжи болажонлар учун тайёрлаган ўзига хос байрам туҳфасидир.

Майдонда барпо этилган «Болалик шаҳарчаси»даги эртакнамо муҳит ҳар бир кишини болаликнинг беғубор дамларига қайтариши, кўнгилларга завқли туйғуларни эндириши шубҳасиз. Болаликнинг самимий, покиза хотираларини ёдга солувчи Қорбобо ва Қорқиз, турли эртак қаҳрамонлари, айиқчаю бўривой, Шум бола, Зумрад ва Қиммат байрам тадбирларига завқ, ўзгача хуш кайфият, алоҳида кўтаринкилик бахш этаётир. Байрам руҳига мос тарзда барпо этилган мўъжаз раста ва дўконлардан кичкинтойлар учун турли ўйинчоқлар, ширинликлар, бадиий китоблар, мактаб анжомлари ва бошқа маҳсулотлардан иборат совғалар харид қилиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигидан маълум қилишларича, болажонларнинг қишки таътил кунларида бу ерда ҳар куни пойтахтимиздаги театр жамоалари, эстрада ва цирк санъати юлдузлари иштирокида Янги йил айёмига бағишлаб махсус театрлаштирилган саҳна томошалари, «Ниҳол» мукофоти совриндорлари, республика ва халқаро фестиваль, кўрик-танловларда ғолиб бўлган хонандалар ижросида концертлар, мусиқий дастурлар намойиш этилади.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири
Ёлқин ШАМСИДДИНОВ
ЎзА олган сурат

Бир жаҳон мўъжизаси...

Бола кўнгли бамисоли беғубор уммон. У ўзининг самимий ҳайратлари, мурғак тафаккури, содда қарашларию беҳисоб эртаклари билан янада гўзалроқдир. Болакайлар ҳар гал янги йил арафасида мўъжизалар рўй беришини орзиқиб кутишади, Қорбобою Қорқизнинг узоқ-узоқ ўрмонлардан етиб келишига сидқидилдан ишонишади. Аслида ана шундай ҳис-туйғулар билан ҳам янги йил оқшоми ҳақиқий байрам руҳини олади.

"Фарзанд кулгусидан кўра улканроқ бахт йўқ", деган экан донишмандлардан бири. Гўдаклар кўзидаги ҳайрат ва қувонч — юртнинг тинчлиги, элнинг хотиржамлигидан нишона. Болажон халқимизнинг барча тўю томошалари, айёмлари эса ана шу шаффоф қалб эгаларининг шодон қийқириқлари билан тугалдир.

Ҳадемай пойтахтимиздаги муҳташам "Туркистон" санъат саройида ўтказиладиган "Президент арчаси" байрам тадбирини Юртбошимизнинг Ватанимиз эгаларига бўлган юксак эътибори ва ғамхўрлиги ифодаси сифатида эътироф этиш мумкин. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар фарзандлари, қолаверса, бутун халқимиз болалари учун ҳар йили ташкиллаштириладиган ушбу байрам дастури юқори савияда ўтказилиши билан эътиборлидир.

Байрам арафасида мусиқий дастурнинг сценарий муаллифи, "Томоша" болалар театр-студиясининг бадиий раҳбари Нодира Қурбонова билан суҳбатда бўлдик:

— Бу йилги "Президент арчаси" байрам тадбири сценарийси муҳтарам Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" номли асарларида биз — маданият ходимларига билдирган таклиф ва тавсиялари, чунончи, замон қаҳрамони образини яратиш зарурати ҳақидаги фикрларидан руҳланиб ёзилди. "Яхшибойнинг янги йил саргузаштлари" номли ушбу мусиқий саҳна асари давримизнинг изланувчан, иқтидорли, кашфиётчи болалари ҳаётидан ҳикоя қилади. Бир гуруҳ ихтирочи ўқувчилар қўёнча тимсолида робот ясашади ва барча қизиқарли саргузаштлар шундан кейин бошланади, — дейди Нодира опа. — Ушбу саҳна асари фарзандларимизнинг бор иқтидорини рўёбга чиқаришини, ўз билими ва кучига ишонч ҳиссини, тенгдошларини ўз ортидан етаклай олиш қобилиятини шакллантиришга хизмат қилади.

(Давоми 3-бетда.)

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ

ТАЪЛИМ

Вақт – югурик. Мана, кўз очиб-юмгунча 2010 йил ҳам поёнига етмоқда. Ўтаётган Баркамол авлод йили ва шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастури доирасида бошқа йўналишлар қатори таълим тизимида ҳам амалга оширилган кенг қамровли ишларнинг сарҳисоби жорий йил билан миннатдор хайрлашиш учун тўла асосимиз бор эканидан далолат беради.

Баркамол авлод йилидан мамнунмиз

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидланганидек, "Давлатимиз ва жамиятимизнинг бугунги куни, айниқса, келажаги учун ғоят муҳим бўлган соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш вазифасини ўз олдимизга қўяр эканмиз, авваламбор, биз яшаётган XXI аср — интеллектуал бойлик, юксак билим ва салоҳият талаб этиладиган, айнан шу қадриятлар устувор аҳамият касб этадиган аср деган ҳаётий ҳақиқатдан келиб чиққан эдик". Шу мақсадда, аввало, болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилди. Бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, 600 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат тўлиқ инвентаризациядан ўтказилиб, уларнинг якуни бўйича амалдаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бу бажарилган ишлар кўлами ва миқёсини аниқ равшан намоён этади.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастурини амалга оширишда таълим соҳасини ривожлантириш, авваламбор, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги ўқув муассасалари қуриш ва уларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш масаласига эътибор янада кучайтирилди. Айниқса, 1 минг 536 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежи, умумтаълим мактабларининг деярли ҳаммаси, 1 минг 800 дан ортиқ спорт зали намунавий лойиҳалар асосида барпо этилгани, капитал реконструкция қилингани ҳар қанча таҳсинга сазовордир.

Жорий йилда ана шу ўқув муассасаларини тизимли асосда замонавий компьютер техникаси, ўқув-лаборатория ускуналари, мебель ва ўқув анжомлари билан қайта жиҳозлаш, уларни талаб даражасида сақлаш ҳамда яратилган бу улкан салоҳиятдан самарали фойдаланиш мақсадида яна бир муҳим қадам қўйилди. Яъни, мутлақо янги бир тузилма — Молия вазирлиги ҳузурида махсус жамғарма ташкил этилди.

Бундай юксак эътибор ва ғамхўрлик, табиийки, биз — ўқитувчилардан масъулият ва фидойиликни, катта билим, тажриба ва малакага эга бўлишни талаб этади. Мактаб, таълим-тарбия масаласи давлат ва жамият назоратида бўлган мамлакатимизда устоз ва муаллимлар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бунга мактабимиз ўқитувчилари мунтазам малака ошириб келаётган нуфузли таълим даргоҳи — Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти фаолияти ҳам мисол бўла олади. Институтда илғор ахборот-коммуникация технологиялари кенг қўлланилади. Бу ердаги замонавий жиҳозланган аудиторияларда, компьютер синфлари ва лингофон хоналарида малака ошириш жараёнида тингловчи сифатида электрон дарсликлар, ўқув фильмлари ва мультимедиа воситаларидан, шунингдек, институт профессор-ўқитувчилари томонидан яратилган кўплаб электрон қўлланмалардан фойдаланмоқдамиз.

Мактабимизнинг бошланғич синф ўқитувчиларидан Эруза Ёрмуҳамедова, Муслимахон Тошқувватова, Шарифа Турсунова, Матлуба Бердиева, Хадича Нусирова, Вера Волкова, Сусана Ҳайдарова каби ҳамкасбларимизнинг шу тариқа касбий малака ва тажрибасини изчил ошириб, билимини мустаҳкамлагани, маънавий қадриятларимизни илм-фан ва тараққиёт ютуқлари билан мунтазам бойитаётгани, ҳеч шубҳасиз, ёшларимизга ҳар томонлама чуқур таълим-тарбия бериш баробарида, уларнинг онгу шуурига миллий ғоя тамойилларини теран сингдириб боришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қарс икки қўлдан чиқади, дейди халқимиз. Бошқача айтганда, ўқитувчи ўз устида ишлаб, изланаётган пайтда ўқувчининг онгу тушунчаси бир жойда қотиб қолмаслиги керак ва бунинг учун бошланғич синф ўқитувчиларидан, айниқса, кўп нарса талаб этилади. Бинобарин, бошланғич синфда берилган билим қанчалик пухта ва мустаҳкам бўлса, фарзандларимиз юксак интеллектуал салоҳиятга эга, эркин фикрловчи, билимли инсонлар бўлиб етишадилар. Шу боис, ҳар бир дарснинг самарали ўтиши учун ўқитувчиларимиз янги педагогик технологиялардан унумли фойдаланишмоқда. Натижада дарсларга нафақат муаллимлар, балки ўқувчиларнинг ҳам фаол тайёргарлик кўриб келишига эришилмоқда.

Мухтасар айтганда, жорий йил ўсиб келаётган авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш йўлида янги, яна бир юксак босқич бўлди. Айни чоғда, мамлакатимиз раҳбари қайд этганидек, 2010 йилда қабул қилинган дастурда белгиланган улкан ва кенг кўламли вазифаларни қисқа вақт мобайнида, яъни бир йил давомида амалга ошириб бўлмаслиги барчамизга яхши аён. Шу маънода, бу олижаноб мақсад давлатимиз ва бутун жамиятимизнинг, авваламбор, биз — муаллимларнинг доимий ва узоқ истиқболга мўлжалланган устувор вазифасига айланиши ва ҳамиша эътиборимиз марказида туриши лозим.

Раҳима КАРАЕВА,
Тошкент шаҳридаги
307-мактаб ўқитувчиси

Салмоқли сарҳисоб, эзгу режалар

(Бошланиши 1-бетда.)

Шунингдек, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирида кўпгина давлатларда ишлаб чиқариш жараёни таназзулга юз буриб, ишсизлар сони ортиб боряпти. Бизда 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури асосида бу йўналишда ҳам самарали чора-тадбирлар кўрилмоқда. Жумладан, 2010 йилда мамлакатимизда 940 мингта янги иш ўрни ташкил этилди.

Жорий йилда ҳукуматимиз томонидан 2011 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ, келгуси йили ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг турли соҳаларида 956,2 мингта иш ўрнини яратиш мўлжалланмоқда. Бу борада мамлакатимизда олиб борилаётган дастурий ишлар аҳоли даромадлари, турмуш даражаси ва сифатини оширишни таъминлашдан ташқари юртимиздаги ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларининг яратувчилик салоҳиятини ошириш мақсадини кўзлайди.

2010 йил мустақил давлатимиз тарихидан Баркамол авлод йили сифатида ҳам ўрин олади. Мана шу йил учун қабул қилинган Давлат дастурида белгиланган кенг қамровли чора-тадбирларни амалга ошириш учун йил давомида қарийб 8 триллион сўм маблағ сарфланди. 2,5 мингдан ортиқ ёш оила янги уй-жойларга кўчиб ўтди. 7 минг 200 дан зиёд ёш оилага бепул қорамол берилди. Худди шунингдек, 400 мингдан кўпроқ ёшлар, таълим муассасаларининг битирувчилари иш жойлари билан таъминланди. Бунда Президентимизнинг "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони улкан дастурий аҳамият касб этди.

2010 йилда қишлоқларимиз янада чирой очди. Қишлоқ туманларида намунавий лойиҳалар асосида бир неча минг янги уй-жойлар, чиройли, ораста кўчалар барпо этилди. Йўл қурилиши соҳасида ҳам катта ишлар амалга оширилди, мамлакатнинг миллий магистрал йўллари янада равонлашди.

Жорий йил якунлари орасида ғаллакорларимиз қарийб 7 миллион тонналик улкан дон хирмонини яратганлиги, фермер-деҳқонларимиз 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд пахта ҳосили етиштирганлиги, бу ҳосилнинг 90 фоизи юқори навларга топширилгани ҳам ғоятда салмоқли ўрин тутади.

Аслида, ҳар бир йил, ҳар бир кун бетакрор мазмун-моҳияти билан ажралиб туради. Шу билан бирга, мамлакатни барқарор ва босқичма-босқич ривожлантириш дастурига эга бизнинг юртимизда йиллар бири иккинчисига асос, пойдевор яратади. Шу маънода, яқинлашиб келаётган 2011 йил ҳам жорий йилимизнинг мантиқий давоми, унда бошланган эзгу ишларнинг эстафетасини қабул қилиб олган меҳнаткаш, фаол бир йилга айланиш арафасида турибди.

Кучли ижтимоий сиёсат, инсон ва унинг манфаатларини улуғлаш, тараққиётнинг ижтимоий йўналтирилгани 2011 йилда янада юксак довонларга кўтарилади. Буни янги йилга мўлжалланган Давлат бюджетимизда ижтимоий мақсадлар учун сарфланадиган маблағлар улуши 59,5 фоиз этиб белгилангани ҳам яққол исбот этади. Таъкидлаш жоизки, бундай чуқур ижтимоий йўналтирилганлик ҳеч бир давлатнинг бош молиявий ҳужжатида кўзга ташланмайди.

Президентимиз Конституциямизнинг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2011 йилни "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб номлашни таклиф этдилар. Ва бу таклиф халқимиз томонидан мамнуният ила қарши олинди. Бинобарин, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишида катта ўрин тутади. Айнан шу тизимларда юртимиздаги иш банд аҳолининг 74 фоизи меҳнат қилмоқда. Қолаверса, агар 2000 йилда мамлакат ички маҳсулотининг 30 фоизини шу соҳа вакиллари ишлаб чиқарган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич қарийб 53 фоизга кўтарилди. 2011 йил эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожида ҳал қилувчи муҳим босқич бўлиб қолиши шубҳасиз.

Ўзбекистон ҳозирги кунда ўзининг барқарор, ишончли ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан жаҳондаги мафтункор давлатлардан бири бўлиб қолди. Бу ҳаммамизни қувонтиради ва ғурурлантиради. Ҳаётимизда бошланаётган янги — 2011 йил ҳам унинг узлуксиз юксалишини таъминлайдиган, Ватанимизнинг халқаро нуфузини янада оширадиган йил бўлишига ишончимиз комил.

Михли САФАРОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган
журналист

ЯКУН

Қонун ижодкорлиги, уларнинг мазмун-моҳиятини оммага етказиш адлия идораларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Уларни оммавий ахборот воситалари иштирокисиз амалга оширишни тасаввур этиш қийин. Ана шу ҳамкорликнинг самараси сифатида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Адлия идоралари: ОАВ нигоҳида» республика кўрик-танлови бу йиллик сарҳисобини қилди.

МУНОСИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Танлов доирасида мамлакатимизда қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг моҳияти ва мақсадларини кенг жамоатчиликка халқчил тилда етказиш, адлия тизими томонидан ҳуқуқий маданиятни юксалтириш йўлида амалга оширилаётган тадбирларни марказий ва маҳаллий телевидение, радио, босма нашрлар ҳамда интернет саҳифаларида ёритиш, уларнинг мазмундорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Танловда «Энг яхши телелавҳа», «Энг яхши радиоэшиттириш», «Энг яхши мақола», «Энг яхши интернет материали», «Энг яхши видеоролик» йўналишларида турли мулкчилик шаклида фаолият кўрсатаётган 50 дан ортиқ телерадио, босма нашрлар ҳамда ҳуқуқшунослар томонидан материаллар тақдим этилди. Ёритилаётган масалаларнинг ижтимоий-ҳуқуқий аҳамияти ва мазмуни, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг очиб берилиши, Баркамол авлод йили муносабати билан миллий қонунчиликка киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар аҳамиятини кўрсатиб бериш, вазирлик ва унинг тизимига кирувчи муассасалалар томонидан амалга оширилаётган ишлар натижаси, қонун ҳужжатларини тарғиб этиш ва кенг жамоатчиликка етказиш мезонлари асосида баҳоланди.

Танлов натижаларига кўра, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ёшлар» телеканалининг Бухоро вилояти бўйича мухбири Муаттар Асадова, Самарқанд «STV» ижодий уюшмасининг «STV» радиоси жамоаси, «Новости Узбекистана» мустақил газетаси таҳририяти, Хоразм вилоят телерадиокомпанияси биринчи даражали диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. ЎзМТРКнинг «Ахборот» информацион дастури, Ўзбекистон ахборот агентлиги, «Осиё» телеканали, «Оила ва жамият» газетаси жамоаси иккинчи ва учинчи даражали диплом ҳамда эсдалик совғаларини қўлга киритди.

Тадбир якунида 2011 йилда «Адлия идоралари: ОАВ нигоҳида» кўрик-танлови қамровини янада кенгайтиришга келишиб олинди. Давлатимиз раҳбарининг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номли маърузаси моҳияти, бу борада адлия ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари олдига қўйилган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш масалаларини кенгроқ очиб бериш юзасидан тавсиялар берилди.

Ҳидоят ЖЎРАЕВА,
«Hurriyat» мухбири

МУЛОҲАЗА

ИНСОН МАНФААТЛАРИ ВА ҚОНУНЧИЛИК

Истиқлол йилларида мамлакатимизда жиноий-процессуал қонунчиликни янада либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг энг муҳим йўналишига айланди. Бунда, айниқса, 2001 йилда "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди.

Унга мувофиқ, жиноятлар таснифи ўзгартирилиб, оғир ва ўта оғир тоифадаги қилмишларнинг қарийб 75 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар сирасига ўтказилди. Иқтисодий соҳадаги жиноят ишлари бўйича қамоқ ва озодликдан маҳрум этиш жазолари ўрнига жарима шаклидаги иқтисодий санкцияни қўллаш имконияти кенгайтирилди. Жиноий жазо тизимидан инсонпарварлик тамойилларига мутлақо зид бўлган мол-мулкни мусодара қилиш тарзидаги жазо тури чиқариб ташланди. Айни чоғда Жиноят кодексининг ўн битта моддаси бўйича моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланмаслиги ҳақидаги қоидалар киритилди.

Маълумки, Жиноят кодексининг 184-моддасида фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яширишни, камайтириб кўрсатишни, шунингдек, солиқларни ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлашни анча миқдорда содир этганлик учун жавобгарлик белгиланган. Кодекснинг 188-моддасида эса белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб, назорат қилинмайдиган фойда (даромад) олиш мақсадида савдо ёки воситачилик фаолиятини амалга оширишга ҳам жиноий жавобгарлик кўзда тутилган.

Шу ўринда айтиш жоизки, Жиноят-процессуал кодексининг 351-моддасига дастлабки тергов муддатлари жиноят иши қўзғатилган кундан бошлаб уч ойдан ошмаган муддатда тамомланиши лозим. Айрим тоифадаги жиноятлар, масалан, иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар ваколатли орган томонидан текширилган кундан аниқланади. Аммо, бу тоифадаги ишлар учун амалиётда уч ойлаб тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда. Ваҳоланки, бундай ишлар жиноят аниқланган кундан бошлаб бошқа тергов ҳаракатлари ўтказишни талаб этмайди. Шу сабабли бугунги кунда Жиноят-процессуал кодексининг 351-моддасига ўзгартиш киритиб, тергов муддати ва ҳаракатини соддалаштириш зарурати мавжуддир.

Айни чоғда бу заруратни Жиноят ишлари бўйича Деҳқонобод туман судига 2008 йилда кўрилган «Тадбиркорлик соҳалари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар (164, 166, 176-моддалар)» бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Чунончи, Жиноят ишлари бўйича туман судига 2008 йилда жами 79 та маъмурий иш келиб тушган бўлиб, 17 шахсга нисбатан маъмурий жазо қўллаш ҳақида қарор чиқарилган. 2010 йилнинг 9 ойи давомида ушбу тоифадаги ишлар бўйича жами 7 та маъмурий иш келиб тушган.

Шунингдек, амалиётда давлат солиқ идоралари ва Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚҚ бўлими томонидан якка тартибдаги тадбиркорнинг молларини тегишли ҳужжатларсиз сотганликдаги ҳаракатини МЖтК 166-моддаси билан тўғри квалификация қилса-да, тадбиркорнинг савдо-сотиқ учун барча ҳужжатлари тўлиқ бўлмасдан туриб, фаолият юритганлик ҳаракатини МЖтК 164-моддаси билан тавсифламасдан нотўғри тўхтамга келинмоқда. Айрим маъмурий ишлар эса ҳуқуқбузарларга нисбатан маъмурий жазо қўллаш муддати ўтказилиб, ишдаги ҳужжатлар тўлиқ ўрганилмасдан ва тўпланмасдан, шошма-шошарлик билан судга юборилмоқда. Натижада ҳуқуқбузарлар томонидан давлат фойдасига маълум миқдордаги жарималар ундирилмасдан қолмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз раҳбарининг парламент палаталарининг жорий йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш борасида бир қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди. Уларнинг замирида инсон манфаати ва ҳуқуқларини таъминлашдек эзгу мақсадлар мужассам эканлиги барчамизга катта масъулият юклайди.

Бахтиёр ҚИЛИЧОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Деҳқонобод туман судининг раиси

«ВОДИЙГАЗТАЪМИНОТ»
УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

мамлакатимиз фуқароларини, соҳа жонкуярларини, ўз истеъмолчиларини диёримизга зўр шодиёналар билан кириб келаётган Янги йил байрами билан чин дилдан табриклайди ва шу билан бирга дил тўридаги барча эзгу ниятларини сизларга бахшида этади. 2011 йил барчангиз учун қутлуғ келсин. Жонажон Ўзбекистонимиз янада гуллаб-яшнасин. Бунёдкор халқимизнинг яратувчанлик меҳнатига, тинч ва осойишта ҳаётига асло кўз тегмасин. Сизларга оилавий бахт, мустаҳкам соғлиқ, хуш кайфият ва ишларингизда омад ҳамиша ёр бўлсин!

БИР ЖАҲОН МУЪЖИЗАСИ...

(Бошланиши 1-бетда.)

Сир эмаски, кишиларга олам-олам завқ-шавқ ҳадя этувчи ҳар қандай санъат асарининг ортида машаққатли меҳнат ва сермаҳсул ижод ётади. Шундай экан, ёш томошабинлар кўнглидан жой олиб улгурган анъанавий "Президент арчаси" байрам дастури ижодкорларининг елкасида ҳам залворли вазифа бор. Ёш болалар учун мўлжалланган мусиқий спектакль сермазмун ва табиий кўриниш касб этиши учун ижодкорлар анчагина тер тўкишларига тўғри келади. Биз суҳбат жараёнида Нодира Қурбоновадан байрам дастури иштирокчилари ва ижодий гуруҳ ҳақида сўрадик.

— Бу йил ҳам ҳар галгидек "Томоша" болалар театр-студияси аъзолари, Республика миллий рақс ва хореография ўқув юрти ўқувчилари ҳамда "доимий Қорбобо"миз, Ўзбекистон халқ артисти Афзал Рафиқов байрам дастурининг асосий иштирокчилари ҳисобланади. Ўйлайманки, улар ўзларига топширилган вазифаларни бор иқтидорларини ишга солиб ижро этишади ва бу йил ҳам санъат саройига ташриф буюрган жажжи томошабинларимиз катта таассуротлар билан қайтадилар, — дейди у. — Ижодий гуруҳ аъзолари — Ирода Йўлдошева, Жасур Абдураҳмонов, Холида Муҳиддинова, Барно Эргашева, Гулчеҳра Каримова ва бошқаларнинг номини тилга олишимиз мумкин. Шеърий матнлар муаллифи — Кавсар Турдиева. Ижодий гуруҳ ва ижрочиларнинг меҳнатлари самараси бўлган ажойиб мусиқий спектакль болажонларимизнинг хотирасида бир умрга муҳрланиб қолишига ишонаман.

Байрамга тайёргарлик жараёнини кузатар эканман, унинг ижодкорларига "Томоша"нинг энг истеъдодли аъзоларидан интервью олмоқчилигимни айтганимда, улар болаларнинг барчаси бир-биридан иқтидорли, қобилиятли эканини таърифлашди. Чиндан ҳам, ўзбекнинг ҳар бир боласида худо берган бир истеъдод бор. "Президент арчаси" байрам дастуридан ўрин олган мусиқий спектакль ниҳоясида Қорбобо ёш томошабинларга қарата шундай дейди:

— Болажонларим, ишончим комилки, сизлардан келажакда олимлар, кашфиётчилар, санъаткорлар, умуман олганда, етук инсонлар етишиб чиқади. Бу, албатта, сизнинг қўлингиздан келади.

Дарҳақиқат, янги йил байрами, айниқса, мурғак фарзандларимиз учун мўъжизавий аҳамият касб этади. Зотан, ана шундай айёмлар сабаб уларнинг кўзларида ҳайрат ва ҳаяжон жилоланиб туради.

Ситора ТОЖИДДИНОВА,
"Hurriyat" мухбири

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ — ЕНГИЛМАС КУЧ

ИНТЕРНЕТ-КАФЕДАГИ БОЛАКАЙ

Юртимизда ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб ўсиши, касб-ҳунар ўрганиши ва жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топиши учун барча шарт-шароит яратилмоқда. Президентимиз раҳнамолигида бу борада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни турли ёт ғоя ва мафкуралар таъсиридан муҳофазалаш масалаларига жиддий эътибор қаратилаётир.

Барқамол авлод йилида махсус Давлат дастури асосида фарзандларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳолда вояга етиши, таълим-тарбия олиши йўлидаги имкониятлар янада кенгайди. Болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш мақсадида қатор янги қонунлар қабул қилинди, айрим қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунга кўра, кодексга янги модда киритилиб, вояга етмаган шахснинг тунги вақтда кўнгил очиш (дам олиш) жойларида бўлиши тартиби белгилаб қўйилди. Мазкур тартибга асосан, вояга етмаган шахснинг ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрларда, компьютер залларида, интернет тармоғидан фойдаланиш бўйича хизматлар кўрсатиш учун жиҳозланган хоналарда ёхуд бошқа кўнгил очиш (дам олиш) жойларида тунги вақтда ота-онасидан бири ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг кузатувисиз бўлишига мазкур муассасаларнинг раҳбарлари ёки бошқа масъул шахслари томонидан йўл қўйилиши энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу қонун тарғиботи ҳамда вояга етмаганларнинг интернет-кафеларда бўлишига доир тартибни амалга ошириш борасида Самарқанд вилоятидаги мутасадди идоралар ҳам муайян ишларни олиб бормоқда. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, ҳуқуқ-тартибот идоралари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа қатор давлат, жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида махсус дастур ишлаб чиқилиб, зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

— Бугунги кунда ҳар бир туман, шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар бўйича комиссиялар прокуратура, ички ишлар идоралари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан бирга ҳудуддаги интернет-кафе ва бошқа кўнгилочар масканларда, бозорлар ва ёшлар кўп тўпланадиган жойларда қўшма рейдлар ўтказмоқда, — дейди Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия масъул котиби М.Усмонов. — Бу тадбирларда ўқувчи-ёшларнинг ўқишдан бўш вақтда нималар билан машғул бўлаётгани, оилавий муҳити ўрганилаётир. Йил бошидан буён ўтказилган саксондан зиёд рейдлар давомида олтмишдан ортиқ ёшларнинг дарс пайтида интернет-кафеларда бўлгани қайд этилиб, ушбу муассасалар раҳбарларига нисбатан тегишли чоралар кўрилди. Фарзанди тарбиясига етарли даражада эътибор бермаган, уларнинг таълим-тарбия олиши, касб-ҳунар ўрганишига шароит яратмаган айрим ота-оналар маъмурий жавобгарликка тортилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, бугунги кунда интернет-кафеларда болалар ва ёшлар асосан турли виртуал ўйинларни ўйнаш, концерт ёки фильмларни томоша қилиш билан вақт ўтказмоқда. Вилоят марказидаги интернет-кафеларда бўлганимизда шундай манзарага дуч келдик.

— Дарсдан кейин шу ерга келиб, бир-бир ярим соат компьютерда ўйин ўйнайман, — дейди ўзини Жасур деб таништирган 12 ёшли бола. — Албатта, ота-онамдан сўраб келаман. Кечқурунлари бу ерга келишга рухсат бермайдилар.

Самарқанд давлат университети хиёбонидаги интернет-кафе ҳамиша ёшлар билан гавжум. Соат 20.30 да бу ерга келиб, ўнга яқин йигит-қизнинг интернетдан ахборот манбаи сифатида фойдаланаётганига гувоҳ бўлдик.

— Университетимиз ахборот-ресурс маркази ва талабалар турар-жойидаги компьютерлар ҳам интернетга уланган, — дейди Самарқанд давлат университети талабаси Насрулло Ҳайдаров. — Керак пайтида асосан ўша компьютерлардан фойдаланамиз. Айрим вақтдагина шаҳардаги интернет-кафеларга боришга тўғри келади. Интернет-кафеларга борганимизда кўпинча ёш болаларнинг бўш вақтини жангари ва қўрқинчли виртуал ўйинлар ёки турли фильмлар томоша қилиш билан ўтказаётганини кўрамиз. Интернетдан тўғри фойдаланишни ёшларимиз ўрганиши керак, деб ўйлайман.

— Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга вояга етмаган шахснинг тунги вақтда кўнгил очиш (дам олиш) жойларида бўлишига доир янги модда киритилгач, унинг тарғиботи юзасидан тегишли идоралар билан бирга қўшма дастур тузилди, — дейди Самарқанд шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси Акбар Саидмуродов. — Унга кўра, дастлаб шаҳардаги 58 интернет-кафе раҳбарлари ушбу тартиб билан таништирилиб, ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилди. Таълим муассасалари ва маҳаллаларда ёшлар ҳамда уларнинг ота-оналари иштирокида учрашувлар ўтказилиб, қонунчиликдаги янгиликнинг аҳамияти тушунтирилди. Ҳар ойда шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия аъзолари билан бирга соат 22.00 дан кейин ресторан, бар, интернет-кафе ва бошқа масканларда рейдлар ўтказилмоқда. 2010 йилнинг ноябрь ойида бешта интернет-кафеда ўтказилган ана шундай тадбирлар давомида 9 нафар боланинг тунги вақтда кўнгил очиш масканларида бўлганлиги аниқланиб, ушбу масканлар мутасаддилари маъмурий жавобгарликка тортилди.

Фарзандларимизни юксак маънавиятли, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашда уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш, таълим-тарбияга жиддий ёндашиш муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида таъкидлаганидек, одобли, билимдон ва ақлли, меҳнатсевар, иймон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир.

Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири

NBU

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

мамлакатимиз аҳлини янги йил билан муборакбод этади ва миллий валютадаги янги муддатли омонатни амалда жорий этилишини маълум қилади:

"КИШ ТУҲФАСИ"

- сақлаш муддати — 60 кун;
- дастлабки бадал миқдори — 500 000 сўм;
- омонатларга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди;
- фоизлар омонат сақлаш муддати тугаганидан сўнг, талаб қилиб олинмаган фоизлар капиталлаштирилмаган ҳолда тўланади.

Омонатга маблағ қабул қилиш 2010 йилнинг 25 декабридан 2011 йилнинг 10 январигача амалга оширилади.

Шу билан бирга, банк миллий валютадаги қуйидаги муддатли омонатларининг амал қилиш вақтини аввал тасдиқланган шартлар асосида узайтирганини маълум қилади:

— "Матонат", "Чинор", "Само", "Тикланиш" 2011 йилнинг 31 мартига қадар;

— "Аломат", "Насибали", "Иззат" ва "Ҳуррият" 2011 йилнинг 1 февралигача.

Жамғармаларининг бошқарилишини бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!

Қўшимча маълумотларни 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олишингиз мумкин.
www.nbu.com

Шофиркон туман ИИБ ёнғиндан сақлаш бўлинмаси жамоаси

барча юртдошларимизни янги йил байрами билан муборакбод этади.

«Асака банки» (ОАЖ)нинг Бухоро шаҳар филиали жамоаси

халқимизни янги — 2011 йил билан самимий табриклайди.

Бунёдкорлик ва юрт ободлиги йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган фидойи инсонлар хонадонидан тинчлик, хотиржамлик, қут-барака аримасин!

ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ

РАҒБАТ

Ёш журналистлар танлови

Навоий вилоятида кейинги йилларда оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган ижодкорлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни ҳар томонлама рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ўтган йили Навоий шаҳрида икки қаватли "Матбуот уйи" қуриб битказилган эди. Яқинда эса ижод аҳли учун яна бир қувончли воқеа рўй берди: вилоят босмахонаси ва Алишер Навоий номидаги нашриёт фаолият кўрсата бошлади.

Босмахонага Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган "IMPACTA-Y-30" русумли технология олиб келиб ўрнатилди. Эътиборли жиҳати, мазкур замонавий дастгоҳ бир соатда 30 минг нусхада газета чоп этиш салоҳиятига эга. Ҳозирда "Дўстлик байроғи" ва "Знамя дружба" вилоят газеталари шу босмахонада рангли-безакли кўринишда чоп этилмоқда. Келгуси йилдан эътиборан 28 номдаги газета ва 2 та журнал ҳам шу ерда нашр қилинади.

Вилоятда иқтидорли ёш ижодкорларни рағбатлантириб бориш ҳам анъана тусига кирган. Жумладан жорий — Баркамол авлод йилида вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси, Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмасининг вилоят бўлими, "Дўстлик байроғи" ва "Знамя дружба" газеталари ҳамкорлигида "Энг яхши ёш ижодкор" танлови эълон қилинганди. Унда шаҳар, туман ва вилоят газеталарида ўз ижод намуналари билан фаол қатнашиб келаётган 50 дан ортиқ ёш қаламкашлар иштирок этди.

DO'STLIK bayrog'i
Vatan sajdagoh kabi muqaddasdir!
«ЭНГ ЯХШИ ЁШ ЖУРНАЛИСТ–2010»
кўрик-танлови голиблари тақдирланди

Яқинда танловнинг якуний босқичига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокими Э.Турдимов иштирок этиб, ёш журналист, "Дўстлик байроғи" газетаси мухбири Руслан Сабуровга Гран-при совғаси — "NOUT-BOOK" компьютерини тортиқ этди.

Шунингдек, Навоий кончилик коллежи ўқувчиси Фарангиз Салоҳўжаева олий ўрин, "Дўстлик байроғи" газетаси бўлими мудири Зебо Қутлиева биринчи, "Конимех тани" газетаси дизайнер-оператори Бақитбек Қизилбаев ҳамда "Знамя дружба" газетаси мухбири Алёна Горбачёвалар иккинчи ва учинчи ўринларга сазовор бўлди. Голибларга қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Ёркул УМАРОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Навоий вилоят бўлими раиси

ҲАВО ТЎЛҚИНЛАРИДА

√ ИЖОД ЗАВҚИ

"Ўзбекистон" радиоканалининг "Ахборот" информацион эшиттиришлар муҳарририяти "Халқаро ҳаёт" гуруҳи раҳбари Шарофиддин Тўлаганов билан суҳбатимиз ижод аҳли, хусусан, журналистларга кўрсатилаётган юксак эътибор, сўз эркинлиги ва касб маҳорати ҳақида бўлди.

— Шарофиддин ака, ҳар йили журналистлар ўртасида "Энг улуғ — энг азиз", "Йилнинг энг фаол журналисти" сингари қатор танловлар ўтказилади. Голиб ва совриндорлар муносиб тақдирланадилар. Сиз ҳам "Олтин қалам" Миллий мукофоти учун халқаро танлов совриндори бўлгансиз...

— Истиқлол йилларида журналистларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликдан қанча фахрланса, арзийди. Биргина "Олтин қалам" Миллий мукофоти учун халқаро танлов биз — оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ҳақиқий рағбат намунаси бўляпти. Мазкур танловнинг голиблари қаторида бўлиш менга қанчалик даражада қувонч бағишлаган бўлса, шунча масъулият ҳам юклади. Ана шу рағбатдан кейин билдирилган юксак ишончни оқлаш учун қўлимдан келганча ҳаракат қиляпман.

Айни пайтда радиоканалимизнинг "Ахборот" муҳарририятида хизмат қилаётган ҳамкасбимиздан икки нафари Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист, уч нафари "Олтин қалам" соҳиби бўлгани мамлакатимиз раҳбариятининг радиожурналистика соҳасига бераётган катта эътиборидан далолат деб биламан.

— Радио нафақат воқеликлар минбари, балки халқимиз маънавияти, миллат маърифатининг юксалиши учун ҳам хизмат қилади...

— Яхши биламизки, радио тезкор ахборот бериш билан бирга, кенг омма фикрига у ёки бу маънода таъсир этади. Жамоамиз билан юртимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришларни ўз вақтида тингловчиларга етказиш мақсадида меҳнат қилаяпмиз. Шунингдек, ўз олдимизга ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган мавзуларни янада кенгроқ ёритишни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Ҳар бир эшиттиришга тезкорлик, аниқлик ва холислик билан ёндашамиз. Бундан ташқари, Ўзбекистон радиоканалида иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, тадбиркорлик, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият каби ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида юз бераётган янгиликлар ҳақида ҳам эшиттиришлар тайёрланади.

— Маълумки, халқаро шарҳлар ва мақолаларингиз билан матбуотда ҳам фаол иштирок этиб келасиз. Бугунги газета ва журналлар, уларнинг ўқишлилиги, савияси ҳақида нима дея оласиз?

— Эътироф этиш жоизки, миллий матбуотимиз умуминсоний ғоялар тарғиботчиси сифатида юртдошларимиз қалбида асрлар оша яшаб келаётган қадриятларга нисбатан меҳр-муҳаббат туйғуларини камол топтиришга хизмат қилмоқда. Аммо халқаро мавзу юзасидан шарҳлар фақат «Моҳият», «Миллий тикланиш», «Hurriyat», «XXI аср» газеталаридагина мунтазам бериб борилади. Бошқа нашрларда эса, негадир, бунга кам эътибор қаратилади. Бунинг боиси, менимча, ушбу мавзуда ёза оладиган журналистларга эҳтиёж сезилаётгани бўлса керак.

Ўзим "Ўзбекистон овози" ва "Миллий тикланиш" газеталарида халқаро шарҳларим билан қатнашиб тураман. Билишимча, радиога нисбатан газетада ишлаш журналистдан катта билим ва маҳоратни талаб қилади. Шунинг учун ҳар доим газета саҳифаларидан ҳамкасбларимизнинг мақолаларини ўқиб, албатта, уларга ўз фикр-мулоҳазаларимни билдираман. Масалан, "Маърифат"да Ойбуви Очилова, "Маҳалла"да Барно Султонова, "Миллий тикланиш"да Маҳфуза Худойберганова, «Hurriyat»да Ситора Тожиддинова, Адиба Умирова ижодига, улар кўтариб чиқаётган мавзуларга ҳавас билан қарайман. Янги йил арафасида барча ҳамкасбларимизни чин кўнгилдан табриклайман. Ижод завқи ҳаммамизга ёр бўлсин!

ДУНЁЗОДА
суҳбатлашди

РЕСПУБЛИКА «АГРОБАЛИҚ» ОАЖнинг ХОРАЗМ ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

Азиз ва муҳтарам юртдошларимизни, тараққиётимиз таянчи бўлмиш деҳқону фермерларни, саховатли заминимиз соҳибкорларини, тармоқ ходимларини



янги йил байрами билан самимий муборакбод этади ва 2011 йилда юртимизнинг янада обод бўлишини, гуллаб-яшнашини, тараққий этишини истайди. Шу улуғ мақсад йўлида сизларга ҳамиша улкан зафарлар ёр бўлсин.

Янги йил барчангиз учун янги ютуқлар йили бўлиб қолсин!





Янги йил ҳазиллари

Журналист шаҳар мэрига:
— Шаҳрингизда турар жой етишмас эмиш.
— Бўлмаган гап. Бўҳтон! Бунақа беъмани гапларни уйи йўқ кишилар тарқатади.

***

Мухбирни сайлов йиғилишига юборишди. Мажлис тугаши билан мухбир муҳаррирга кўнгироқ қилди.
— Хўш, номзод нима деди? — деб сўради муҳаррир.
— Ҳеч нарса. У ҳатто оғзини ҳам очмади.
— Жуда яхши, менга ҳаммасини икки бет қилиб топширинг.

Хоразм вилояти педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти жамоаси

кириб келаётган Янги йил байрами билан халқимизни самимий қутлайди.

Пайариқ туман халқ таълими бўлими ва «Маърифатпарварлар» жамияти жамоаси

мамлакатимиз фуқароларини
Янги йил айёми билан чин дилдан табриклайди.
Тилагимиз — янги йилда Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги ва юртимиз тинчлиги бардавом бўлсин.

Янги йилингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

ДУНЁДА НИМА ГАП?

ШЕНГЕН ҲУДУДИ КЕНГАЯДИМИ?

2011 йилнинг март ойида Руминия ва Болгария Шенген ҳудудига қўшилиши керак эди. Аммо Германия ва Франция бунга қарши чиқди. Икки давлат ички ишлар вазирларининг Хавфсизлик бўйича ЕИ комиссарига ёзган хатида таъкидланишича, Руминия ва Болгарияда уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши жиддий кураш олиб борилмаяпти.

Руминия давлати раҳбари Троян Бисеску юқоридаги икки йирик мамлакат ички ишлар вазирларининг бу ҳаракатини бошқа давлатлар шаънини ерга уриш деб баҳолади. Болгария ҳукумати томонидан ҳозирча жиддий фикрлар билдирилгани йўқ.

Эслатиб ўтамиз, Шенген ҳудудига расман 1985 йилда асос солинган. Бу ҳудудга аъзо мамлакатлар ўртасида фуқаролар ҳеч қандай визасиз эркин ҳаракат қилишади. Ҳозир бу ташкилотга ЕИ таркибидаги 27 мамлакатнинг 22 таси, шунингдек, Швейцария, Норвегия ва Исландия ҳам аъзо.

ВОКЗАЛГА ҲУЖУМ

The Daily Telegraph газетасининг ёзишича, Аргентинада поездлар ҳаракатидаги тартибсизликлардан норози бўлган йўловчилар пойтахт Буэнос-Айрес вокзалига ҳужум уюштиришган.



Улар бутилка ва тошлар билан қуролланиб, вокзалнинг марказий дарвозасини ёқиб юборишга ҳаракат қилишган. Полиция бунга жавобан кўздан ёш оқизувчи газдан фойдаланган.

Аслида норозиликка ишдан бўшатилишига қарши иш ташлаш ўтказган темир йўл хизматчилари сабаб бўлишди. Улар етти соат давомида йўлларни беркитиб туришди, натижада кўплаб аҳоли иш жойларига етиб бора олмади. Тартибсизликлар пайтида 10 киши жабрланди. 30 киши қамоққа олинди.

САНЪАТ АСАРЛАРИ ТОПИЛДИ

Испания полицияси жорий йилнинг ноябрь ойида йўқолган 28 та санъат асарининг ҳаммасини ҳеч қандай зарар етмаган ҳолда топишга муваффақ бўлди.

Мадрид полицияси матбуот хизмати тарқатган хабарда айтилишича, жиноятнинг очилишига ўғрилар томонидан ҳайкалтарош Эдуардо Чильиди ишларидан бирининг 30 еврога металломга топшириши сабаб бўлган. Шундан сўнг тезда бошқа асарлар ҳам топилди. Улар орасида Пабло Пикассо ва чилилик рассом Фернандо Ботеронинг ноёб асарлари ҳам бор.

Ушбу асарлар 27 ноябрь куни Хетафе шаҳридаги Crisostomo Transporte компаниясининг гаражидан ўғирлаб кетилганди. Полиция вакилларининг айтишича, компания ходимларидан бири ўғрилар билан шерик бўлган.

Мадрид ва Барселонадаги бадиий галереяларга тегишли ушбу асарларнинг умумий баҳоси 5 миллион еврони ташкил этади.

БЮЖДЕТ ТАСДИҚЛАНДИ

Греция парламенти 2011 йилги давлат бюджетини тасдиқлади. The Financial Times газетасининг ёзишича, бюджетдаги камомад ЯИМга нисбатан 7,4 фоизни ташкил этиши режалаштирилган. Жорий йилда эса, бу кўрсаткич 9,6 фоизга тенг бўлиши кутиляпти.

«Бюджетдаги камомадни камайтиришга солиқни кўпайтириш, пенсия ва ойликларни музлатиб қўйиш, мудофаа ва соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилиши керак бўлган маблағларни камайтириш ҳисобига эришиш мумкин, — дея таъкидлайди газета мухбири ўз мақоласида. — Аслида Грецияга кредит бериш олдидан қўйилган шартлар ҳам шулардан иборат эди».

Бюджет лойиҳаси қабул қилинишини қўллаб-қувватлаб 156 нафар депутат овоз берди, 142 нафар депутат эса қарши чиқди. Бу жараён арафасида мамлакатда йирик намойишлар бўлиб ўтди. Намойишчилар парламент аъзоларидан 2011 йилги бюджет лойиҳасини қабул қилмасликни талаб қилишди.

Эслатиб ўтамиз, жаҳон молиявий инқирозидан Греция жуда катта зарар кўрди ва ХВФ 100 миллиард евро кредит олишга мажбур бўлди. Бу маблағни тўлаш учун юқоридаги чораларни қўллаш талаб этилмоқда.

УЙ БАҲОСИ АРЗОНЛАШДИ

Мусиқа қироли Майкл Жексон умрининг охирги кунларини ўтказган уйининг нархи сўнгги бир неча ойда 5,5 миллион долларга арзонлашди. Luxist хабарига қараганда, ҳозир бу уйининг баҳоси 23,5 миллион долларни ташкил этмоқда.

Уч қаватли ҳашаматли уй Лос-Анжелеснинг нуфузли туманларидан бирида жойлашган. 2002 йилда француз қалъалари услубида қурилган. Умумий майдони 1595 квадрат метрни ташкил этадиган уйда 7 та ётоқхона, 13 та чўмилиш хонаси, иккита меҳмонхона, иккита ошхона, кутубхона, иш хоналари ва студиялар бор. Бундан ташқари, ҳовлидан 7 та машина сиғадиган гараж жой олган.

Кийим ишлаб чиқарадиган Ed Hardy бренди эгаси бўлган Хьюберт Гуэсга қарашли бу уй жорий йилнинг август ойида биринчи марта сотувга қўйилган эди. У уйни 2004 йилда 18,5 миллион долларга харид қилган. Жексон бу уйда ойига 100 минг доллардан ижара ҳақи тўлаб умрининг охирги ойларида яшаган.

СКРИПАКАНИ КИМ ЎҒИРЛАГАН?

Британия полицияси Страдивари скрипкасини ўғирлаганликда гумон қилиб уч кишини қамоққа олди.

Улардан бири 26 ёшли Жон Моэн ва қолганлари 14 ҳамда 16

ёшли ўсмирлардир. Моэн ҳибсда сақланмоқда, ўсмирлар эса гаров пули эвазига озодликка чиқарилди. Associated Press хабарида айтилишича, ўғрилик жорий йилнинг ноябрь ойи охирида Лондондаги барлардан бирида содир этилган.

Полиция ҳозирча скрипка қаерда эканлиги тўғрисидаги ахборотга эга эмас. Мусиқа асбоби суғурта қилинган компания уни топиб берган одамга 15 минг фунт мукофот эълон қилди.

19 МИЛЛИОН ЕВРОЛИК ЮТУҚ

Бельгия фуқароси EuroMillions лотереясида жек-пот ютди ва 19 миллион евро эгасига айланди. Голибнинг номи эълон қилинмади. У лотерея ташкилотчиларига мурожаат қилган-қилмагани ҳам номаълум. Таъкидлаш жоизки, бельгияликлар бир йилда учинчи марта EuroMillions лотереясида жек-пот ютишди.

ДАРАКЛАР

Бу сафарги EuroMillions лотерея ўйинига Буюк Британия Миллий лотерея компанияси 25 та 1 миллион фунтлик ютуқ қўйган. "Агар ютуқ эгаларининг барчаси тираж комиссиясига мурожаат қилса, бир пайтнинг ўзида миллион фунтдан ютуқ чиқиш бўйича рекорд ўрнатилади", деб ёзади BBC News мухбири.

EuroMillions лотереяси Франция, Испания, Австрия, Португалия, Буюк Британия, Швейцария, Ирландия, Люксембург ва Бельгия давлатлари томонидан биргаликда ўтказилади.

КОНЦЕРН ЖАРИМА ТЎЛАДИ



Японияниг Toyota Motor Corp автогиганти ўтган йили АҚШда Lexus автомобилида йўл транспорт ҳалокати туфайли ҳаётдан кўз юмган ҳайдовчининг оиласига 10 миллион доллар компенсация тўлади.

Компенсация миқдори ҳақида Los Angeles Times газетасига Lexus автомобилини ижарага берган компания манфаатларини ҳимоя қилган адвокат Лари Уиллис хабар берган.

Япония автоконцерни вакиллари келишув суммаси миқдори ошкор қилинганидан афсусда эканликларини билдирди. Чунки бу маблағни олган томоннинг хавфсизлигига зарар етиши мумкин.

Автоҳалокат 2009 йилнинг август ойида Калифорниянинг Сан-Диего шаҳри яқинида содир бўлган ва тўрт киши ҳаётдан кўз юмганди. Ўшанда комиссия ҳайдовчи оёғи тагидаги гиламчанинг талабга жавоб бермаслиги ҳалокатга сабаб бўлганини аниқлаганди. Худди шу ҳалокатдан сўнг Toyota Motor Corpнинг минглаб автомобиллари қайтадан текшириб чиқилди.

ХОРИЖ МАТБУОТИ

LA REPUBBLICA (ИТАЛИЯ)

Ўн йилликнинг энг муҳим кашфиёти

la Repubblica
Attacco all'America
Aerei come bombe su New York e Pentagono. Ventimila morti

"Биз кейинги ўн йилда ҳамма нарсани яхши кўра бошладик. Бизнинг кўзимиз мияга "уланган" алоҳида нейронларни кўрди, ҳужайраларнинг ички ҳаракатини кузатди, Марсда сув борлигини кўрди ва суратга олди.

Биз энди ДНКдаги кашфиётлар туфайли Юра давридаги динозаврлар қандай бўлганини биламиз. Биз энди 40 минг йил олдин яшаган одамлар қандай бўлганини ва мамонтларнинг қонида "антифриз" бўлгани учун қаттиқ совуққа ҳам чидаганини биламиз"

Бу сатрлар Италиянинг La Repubblica газетасидаги мақоладан олинди. Газета мухбири кейинги ўн йилликда инсоният фан соҳасида эришган ютуқлар ҳақида ёзади ва инсон ДНКсининг кашф этилиши энг катта ютуқ эканлигини таъкидлайди.

"Биз бундан ўн йил бурун иқлим исиши ҳақида шунчаки тасаввурга эга бўлган бўлсак, бугун шу жараённи бошимиздан кечиряпмиз, — деб ёзади мақола муаллифи. — Афсусланарлиси, бунга айнан инсонлар сабабчи бўлмоқда. Энг ачинарлиси эса, табиатни энди ўз ҳолига қайтариб бўлмайди.

Ўн йилликнинг энг муҳим кашфиёти инсон организмидаги ўнта тўқиманинг биттаси кашф этилгани бўлди. Энди биз кўплаб турли бактериялар организмимизда биргаликда ва тинч яшашини биламиз".

TIMES OF INDIA (ҲИНДИСТОН)

Муваффақиятсиз парвоз

THE TIMES OF INDIA
WRITE LIGNED

Газетанинг ёзишича, Ҳиндистоннинг GSLV ракета ташувчи GSAT-5P алоқа йўлдоши билан биргаликда самога чиқариш йўлидаги иккинчи уриниш ҳам муваффақиятсиз тугаган. Йўлдош осмонга кўтарилгандан сўнг бир неча дақиқа ўтгач, портлаб кетган.

Дастлабки маълумотларга қараганда, ҳалокатга техник носозлик сабаб бўлган. Ракета Андхра-Прадеш штатидаги Шрихарикате космодромидан парвоз қилган, режа бўйича GSAT-5P телекоммуникация йўлдоши 1999 йилда учирилган INSAT-2E йўлдошининг ўрнини эгаллаши лозим эди. GSAT-5Pнинг оғирлиги икки тоннадан ошиқроқ бўлиб, 13 йил хизмат қилишга мўлжалланганди.

Йўлдошнинг биринчи парвози жорий йилнинг апрелида амалга оширилган ва муваффақиятсиз якунланган. Газета мухбирининг ёзишича, Ҳиндистон ракетани ўзида ишлаб чиқарилган двигатель билан самога чиқаришга уринган. Энди эса Россияда ишлаб чиқарилган 12 КРБ двигателидан фойдаланмоқчи.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Янги йил ҳазиллари

Янги йил базми арафасида ДАН ходими кетма-кет учта машинани тўхтатди.

ДАН ходими сўради:

— Қаердан келяпсиз?

1- ҳайдовчи:

— Янги йил базмидан, уйга қайтяпман.

ДАН ходими:

— Бу ёққа ўтинг! Сиз-чи?

2-ҳайдовчи:

— Мен ҳам жамоа билан...

ДАН ходими:

— Сиз ҳам бу ёққа ўтинг! Сиз-чи?

3-ҳайдовчи:

— Мен энди уйдан чиқдим.

ДАН ходими:

— Ундай бўлса, сиз янги йил базмига бораверинг!

* * *

— Такси, такси...,

— Лаббай, Қорбобо.

— Чилонзоргача қанча бўлади?

— Ҳозир ўн минг, ярим соатдан кейин ўн беш минг бўлади.

— Инсоф қил, бўтам!

— Ҳозиргина, болаларнинг олдида ўзингиз ўн минг сўмлик совғани ўттиз мингга ўтказдингиз-ку. Қайтар дунёда.

«O`ZVINOSANOAT-HOLDING» КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқи ва меҳмонларини Янги йил байрами билан қизғин муборакбод этади.

Кириб келаётган 2011 йил юртдошларимиз ҳаётида ёрқин из қолдиришини тилайди. Янги йил ҳар бирингизга олам-олам қувонч бағишласин.

Хонадонингиздан файз-барака аримасин. Сизларга узоқ умр, бахт-саодат, омад ва янги ютуқлар ҳамиша ёр бўлсин!

Янги йилингиз билан, азиз юртдошлар!



2011 ЙИЛ – КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ

ГИЛАМЛАРДА АКС ЭТГАН ОРЗУЛАР

— Эна, девордаги мана бу гилам қаердан келган?

— Ия, айтмаганмидим, уни момонг тўқиган болам!

— Гуллари, нақшлари бунча чиройли, шуни қўлда тўқиса бўлар эканми?

— Нега бўлмас экан, болам, албатта бўлади...

Жияним Рушананинг онасига берган ушбу саволлари мени мулоҳазага чорлади. Ўйлантирди. У момосининг қалб қўри, меҳри ва орзу истаклари қўшиб тикилган гилам нақшларини кўриб ҳайратланяпти. Кўзлари қувончдан порлаяпти...

Бадиий ҳунармандчилик халқимиз томонидан неча юз йиллардан буён ардоқланиб келинмоқда. Хусусан, нақшларида элимизнинг орзу-умидлари ва истаклари акс этган гилам тўқиш санъати асрлар давомида сайқалланиб, такомиллашган. Айниқса, қўлда тўқилган гилам сифати, ранглар уйғунлиги, гулларининг турфалиги билан алоҳида ажралиб туради.

Пойтахтимизнинг "Янги Себзор" маҳалласида жойлашган "Qays-gilam to'qish" масъулияти чекланган жамияти ушбу қадимий анъанани давом эттириб келаётган кичик корхоналардан биридир. Корхона раҳбари Муҳаммад Исроил Абдул Қаюм аканинг таъкидлашича, улар ўз фаолиятини 2006 йилда бор-йўғи уч киши бўлиб бошлаган экан. Бугунги кунда эса 65 дан ортиқ ишчининг бошини бириктирган бу даргоҳ жорий йилнинг ўзида 80 дан зиёд турли ҳажмдаги гиламларни харидорларга етказиб берди.

Дастлаб ишчилар бир ойдан уч ойгача касб сирларини пухта эгаллаш учун малака оширдилар. Шуниси аҳамиятлики, бўлажак ишчилар ўқиш давомида стипендия билан ҳам таъминланди. Сўнг мустақил ҳунарманд сифатида улар ўз уйларида гилам тўқишни бошладилар.

— Дастгоҳ, ип ва керакли анжомларни ишчиларга ўзимиз етказиб берамиз, — дейди корхона раҳбари. — Бунинг қулай томони шундаки, ишчилар ўз уйларида ишлашади. Гиламни битказишгач, унинг ҳар бир квадрат метри учун 70 минг сўмдан иш ҳақи олишади. Шу қаторда уларга меҳнат дафтарчаси ҳам очилади. Сўнг гилам бу ерга келтирилиб, махсус қурилма билан юзи текисланади. Ранглари бир-бирига қоришиб кетмаслиги учун кимёвий моддалар билан ювилади. Ушбу босқичлардан ўтгач, маҳсулот харидорнинг қўлига етиб боради. Биз асосан Бухоро, туркман ва афғон гиламларини тўқиймиз.

ЛАВҲА

Табиий хомашё — қўй жунидан тўқилаётган ушбу гиламларнинг жилоси киши кўзини қамаштиради. Ундаги турли ранглар ўзимиздаги табиий маҳсулотлар — анор, ёнғоқ, пиёз пўстлоқларидан олинаётганини эшитиб хурсанд бўлдик. Рассомларнинг ижодий меҳнат маҳсули саналган қоғоздаги нақшларни ҳунармандлар гилам юзига маҳорат билан туширaётганларини кўриб, янада ҳаяжонландик.

— Қаюм ака менга корхона очиш таклифини айтганида, тўғриси, бу соҳада ҳеч нарсани билмас эдим, — дейди бизни корхона ишлари билан таништирган уста Карима Ибрагимова. — Тўрт йил давомида гиламдўзлик сирларини яхшилаб ўрганиб олдим. Ҳозир ҳатто шогирдлар тайёрлаяпман. Фарзандларим ҳам бу касбга қизиқиб, унинг ўзига хос жиҳатларини ўрганишяпти...

Опа билан суҳбат чоғида ёшгина қиз келиб биз билан саломлашди. Сўнг қўлига махсус пичоқ ва тароқ олиб, гилам тўқишга киришиб кетди.

— Қизим гилам тўқишни саккиз ёшидан ўрганган, — дея суҳбатни давом эттирди Карима опа. — Мактабдан таътил берилганида уни ўзим билан кўргазмаларга олиб бораман. У ерга ташриф буюрганлар қизимнинг гилам тўқишини кўриб ҳайратланишади, узоқ томоша қиладилар.

Эндигина ўн бир ёшни қаршилаган Камолахоннинг бу касб сирларини ўрганиб олгани таҳсинга сазовор. Дарсдан кейинги бўш вақтдан унумли фойдаланиб ҳам ҳунар ўрганаётгани, ҳам онасига кўмаклашаётгани эса янада мақтовга лойиқ.

Атиги беш кун аввал корхонага келган Нуржаҳон Шоймардонова юртимиз рамзи — байроғимиз акс этиши мўлжалланаётган гилам ипларини дастгоҳга жойлаштираётган экан.

— Шу йил сентябрь ойида "Бобур" боғида бўлиб ўтган кўргазмада корхона фаолияти билан танишдим, — дейди у. — Қизиқишларим мени бу ерга етаклади. Юнусобод туманида жойлашган Мирзо Улуғбек номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида котиба бўлиб ишлайман. Бўш вақтимда шу ерга келиб, гилам тўқишни ўрганяпман. Илк фаолиятимни юртимиз байроғини тўқишдан бошлаганимдан хурсандман. Бу гилам доимо деворда осиғлик турадиган совға сифатида тўқилмоқда.

Корхонанинг учта кичик хонадан иборат биносида қилинаётган катта ва хайрли ишлар билан танишиб бўлгач, тадбиркордан: "Бу ер сизга торлик қилмайдими?", — деб сўраганимизда шундай деди:

— Ҳар йил бошида янги бизнес-режа тайёрланади. 2010 йил 45 киши ишга қабул қилинган бўлса, келаси йил яна 60 та янги иш ўрни очишни режалаштирганмиз. 2011 йилги мақсадларимиздан яна бири — янги ўқув маркази очиш. Бунинг учун ҳамма нарса тайёр. Бу борада туман ҳокимлиги бизни қўллаб-қувватласа, айни муддао бўлар эди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида корхона раҳбарининг амалга оширмоқчи бўлган эзгу режаларини эшитган ҳар бир инсоннинг қалби қувонади. Бу машаққатли касб эгалари билан хайрлашарканмиз, гилам битгач иш давомидаги чарчоқлар унинг гўзаллигига маҳлиё бўлган сонияларда тарқалиб кетишини ўйлаб кўнглимиз ёришди.

Фозил ЖАББОРОВ,
"Hurriyat" мухбири

Ж.МАМАНОВ номли Ургут туман бирлашган шифохона жамоаси

кириб келаётган янги — 2011 йил билан юртдошларимизни самимий табриклайди! Барчангизга соғлиқ, тинчлик, улкан муваффақиятлар ёр бўлсин!

Янги йил ҳазиллари

— Ўғлим тарвуз қани? Янги йил оқшомида дастурхонга қўймоқчи эдим.

— Еб қўйдим ойи, ўзингиз доим бугунги ишни эртага қўйма, дейсиз-ку.

***

Янги йилнинг биринчи куни.

Боши оғриб турган эр хотинига деди:

— Кастюмимни тозалаб қўй.

— Тозаладим.

— Шимимни ҳам тозала.

— Тозаладим.

— Туфлимни-чи?

— Унисини ўзингиз тозалайсиз, қани, пайпоқни ечинг!

«ФАРҒОНА ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ»
акциядорлик жамияти жамоаси



ватандошларимизни барчамиз орзиқиб кутган *Янги йил* билан муборакбод этади.

Қалбингиз қувончга, дастурхонингиз ноз-неъматга тўлиқ, ҳаётингиз фаровон, оилангиз тинч, бахтингиз тўкис бўлишини чин дилдан тилаб қолади. Келаётган йилда барча орзу-истакларингиз амалга ошсин, азиз юртдошлар!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҒАЗНАЧИЛИГИНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

Республикамиз аҳлини янги — 2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили билан табриклайди. Халқимизга янги зафарлар, бахт-саодат ёр бўлсин!

2011

АКС-САДО

Мудроқ дилларни уйғотувчи куч

«Hurriyat» газетасининг 2010 йил 20 октябрь сонида чоп этилган Нодир Жонузоқнинг «Бизни ўқилмаган китоблар кутмоқда» сарлавҳали мақоласини алоҳида эътибор ва завқ билан ўқидим. Муаллиф бугунги куннинг ўта долзарб мавзусига қўл урибди, дилимдаги гапларни ёзибди.

Болалик чоғларимда Худойберди Тўхтабоевнинг «Сариқ девни миниб», «Сариқ девнинг ўлими» асарларини ҳаяжон билан ўқиб чиққаним ҳалиҳануз ёдимда. Бир неча йиллар олдин ўша китобларни ўғлимга ўқиб чиқишни тавсия қилдим. Аммо ҳар куни назорат қилиб туришимга қарамай, у бизга олам-олам завқ улашган ўша китобларни охиригача ўқимади. Китоб бу ёқда қолиб, компьютерга ёпишиб олди. Ҳатто «Дада, унча қизиқарли эмас экан» деди-қўйди. Хуноб бўлиб унга асар ниҳоятда қизиқ эканлигини, фақат охиригача ўқиб чиқиш кераклигини айтдим. Натижа бўлмади. Бир томондан китобни, айниқса, бадиий асарни мажбурлаб ўқитишнинг ўзи ҳам кулгили, ҳам аянчли эканлигини ҳис қилдим. Ҳар даврнинг ўз китоблари бўладими? Бир пайтлар бизни ҳаяжонга солган «учар гиламлар», «сехрли қалпоқчалар», «ёрилтош»у «беқанот учган отлар» бугуннинг ёшларини нега қизиқтирмай қўйди, деган саволлар миямда чарх ура бошлади. 2-3 ёшли болакайлар ҳам миллий эртакларимиз қаҳрамонларидан кўра, қандайдир хориж мультфильмларини маъқул деб билаётган бир пайтда бу саволларга қандай жавоб топиш мумкин? Албатта, бундай томошаларни тақиқлаш имконияти йўқ. Ота-оналар, ўқитувчиларнинг назорати ҳам кутилгандек самара бермайди. Демак, битта йўл қолади – ёшларда маънавий иммунитетни кучайтириш. Бунинг учун миллий эртакларимиз, достонларимиз қаҳрамонларини қайтадан «жонлантиришимиз», уларни китоблар, мультфильмлар, бадиий фильмлар кўринишида ёшлар шуурига сингдиришимиз лозим.

Кейинги пайтда ота-боболаримизнинг яна бир ажойиб одати унутилгандай. Байрамлар, туғилган кунларда яқинларимизга, фарзандларимизга китоб совға қилмай қўйдик чоғи. Баъзида ўғил-қизларимизга «Қандай совға олсам, уларни хурсанд қила оламан?» дея бош қотирамиз. Дўконма-дўкон юриб, кийим-кечак ёки қимматбаҳо ўйинчоқлар оламизу, аммо... Ахир, фарзандларимизнинг ёшига, қизиқиши ва қобилиятига қараб битта бўлса ҳам китоб совға қилсак, уларнинг китобга бўлган меҳри ошади-ку!

Албатта, ҳеч ким китобхон бўлиб туғилмайди. Китобга меҳр ота-онадан фарзандга ўтади. Яъни, китобхонлик, аввало, оилада шаклланади. Фарзандларимизга ёшликдан эртаклар ўқиб бермасак, турли қизиқарли китоблар совға қилмасак, эру хотин ишга эрта кетиб, кеч қайтиб, бўш вақтимизни телевизор қаршисида сериаллар кўриш билан ўтказсак уларда китобга қизиқиш қаердан пайдо бўлсин!

Масаланинг яна бир жиҳати китоб дўконларига ҳам бориб тақалади. Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 августдаги «Республикада китоб савдоси тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компанияси ташкил этилиб, унга юртимизда китоб бозори конъюнктураси маркетингини амалга ошириш, аҳолининг китобларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш ва уларни нашриёт ва истеъмолчиларга етказиш, китоб маҳсулотлари буюртмаларини шакллантириш, жойларда китоб дўконлари тармоғини қулай тарзда жойлаштириш, китоб маҳсулотлари сотишни ташкил этиш вазифалари юкланган эди. Қарорда янги китоб дўконлари очилиши мўлжалланаётган ҳудудлар рўйхати ҳам берилганди. Афсуски, жойларда қарорнинг бажарилиши лозим даражада таъминланмади.

Анча йиллар олдин Китоб шаҳрида бўлганимда шаҳар марказида жойлашган каттагина китоб дўконига кириб, унча-бунча китоб харид қилган эдим. Йўлим тушиб бу йил яна ўша дўконга кирдим. Ана холос, олдинги китоб дўконидан асар ҳам қолмабди. Дўкон ҳар хил кундалик товарлар билан тўла. Бир чеккада қолиб кетган китоб бўлимидаги расталарда эса нари борса 50-60 та китоб бетартиб сочилиб ётибди. Аксарияти бир неча йиллар олдин нашрдан чиққан. Дўкон мудирасидан бу аҳволнинг сабабини сўрадим. Мудира айни шу саволни кутиб тургандек: «Дастлаб кўп янги китоблар олиб келдим. Лекин харидор чиқмади. Кўпчилиги маънан эскириб, зарар ҳам кўрдим. Одамлар китоб ўқимай қўйди, шекилли», — дея жавоб қайтарди.

Қайси шаҳарда бўлмай, албатта, китоб дўконларига кириш одатим бор. Наманган шаҳрида кейинги пайтларда кичик-кичик бўлса-да, китоб дўконлари бироз кўпайгандек, бироқ... Бир нечтасига кирдим. Деярли бир хил адабиётлар. Халқ табобати, таомлар, «озиш», «семириш» ҳақидаги рисолалар, енгил-елпи, олди-қочди китоблар.

Аҳолиси 100 минг кишидан ортиқ бўлган Жиззах шаҳрида ҳам «Шарқ зиёкори» МЧЖнинг битта кичкина дўкончаси ишлаб турибди. Турли-туман китоблар билан тўла бўлишига қарамасдан ҳар сафар дўконга кирганимда, битта-иккита харидорни кўраман...

Хуллас, китоб, Нодир Жонузоқ айтганидек, мудроқ дилларни уйғотувчи, одамни фикрлашга ундовчи, атрофга тийран нигоҳ ила қарашга чорловчи улкан маънавий куч-қудратдир. У билан доимий ошно бўлиш онгу тафаккуримизни бойитади, янгидан-янги хайрли ишлар, эзгуликларни амалга оширишимизга илҳом бағишлайди. Шундай экан, китобдан асло айро тушмайлик.

Комил СИНДАРОВ,
юридик фанлари доктори

ҲАЛ, СЕНИМИ...

— Қорбобо, анави ким?
— Бу қулоғи йўқ қуёнча.
— Нега унинг қулоғи йўқ?
— Ота-онасининг гапига қулоқ солмагани учун кесиб олишган.
— Гапга қулоқ солиш керакми?
— Албатта.
— Гап қозонми?
— ... Жим ўтир, ҳозир қулоғингни кесиб оламан.
— Қулоқшўрва қиласизми?
— Ҳап, сенимм...

Янги йил ҳазиллари

Андижон шаҳар ҳокимлигининг Молия бўлими

юртдошларимизни янги — 2011 йил билан самимий муборакбод этади.

Барчага сиҳат-саломатлик, оилавий бахт ва эзгу ишларига ривож тилайди.

«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АК

Ватанимиз озодлиги ва ободлиги йўлида фидокорона меҳнат қилаётган барча юртдошларимизни, ишбилармон ва тадбиркорларни кириб келаётган

2011 ЙИЛ — КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ

билан муборакбод этади.

Янги йил ҳар бирингизнинг хонадонингизга қут-барака, тинчлик-тотувлик олиб келсин!

Ўзбекистон Республикаси вақтли матбуот нашрларига обуна бўлинг.

Тел:(8 371) 233-75-49
Сайт: www.akmt.uz, E-mail: info@akmt.uz

«КЕЛАЖАК ОВОЗИ – 2010»

ИҚТИДОРЛАР НАМОЙИШИ

XXI асрнинг дастлабки ўн йиллиги ҳам ниҳоясига етиб бормоқда. Бу йиллар Ватанимиз учун ислоҳотлар, янгиланишлар ва жадал тараққиёт даври бўлди. Таълим, санъат, маданият, спорт, умуман барча соҳаларда айтишга арзигулик улкан ютуқлар қўлга киритилгани ҳам бунинг исботи. Айниқса, Баркамол авлод йилида ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, таълим соҳасини замонавий талаблар асосида ривожлантириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу йилда Давлат дастурини бажариш учун қарийб 8 триллион сўм маблағ сарфлангани ҳам навқирон авлодга бўлган юксак эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

Мунтазам равишда ўтказиб келинаётган турли ижодий фестиваллар, грант дастурлари, санъат ҳафталиклари, спорт мусобақалари ҳам интилувчан ёшларнинг орзу-умидларини рўёбга чиқаришга кўмак бермоқда. Ўтаётган йилимизда бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайди. Жумладан, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган "Келажак овози — 2010" анъанавий кўрик-танловида юзлаб иқтидорли йигит-қизлар ўзларининг инновацион технологиялар, санъат, адабиёт, меъморчилик ва дизайн соҳасидаги қобилиятлари ҳамда илғор лойиҳаларини намойиш этишди.

Эътиборли жиҳати, танловда иштирок этиш ниятида бўлган ёшлар бу йил ҳатто он-лайн тарзида ҳам ариза тўлдирдилар. Бу иштирокчилар сони ва танлов талабларининг янада ошишига сабаб бўлди. Масалан, 2005 йилда илк бор ўтказилган танловнинг саралаш босқичида 3 мингга яқин ёшлар қатнашган бўлса, бу йил ариза топширганлар сони 71 мингдан ошиб кетди. Шунинг ўзи ҳам "Келажак овози"нинг йилдан-йилга нуфузи ортиб бораётганидан далолат беради.

Яқинда пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида танловнинг республика босқичи ғолибларини тақдирлашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан қатнашган 213 нафар иқтидорли ўғил-қиз, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази фаоллари қатнашди.

Танлов иштирокчилари ўз билим ва иқтидорларини архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар, миллий ва амалий санъат, бадиий ижод ва публицистика каби ўн беш йўналиш бўйича намойиш этдилар. Тадбир доирасида ўтказилган илмий-амалий семинарда кўплаб ижодий ишлар муҳокама қилинди. Танлов ҳайъати аъзоларида Гулҳаё Холматованинг "Болалар скалиоз (умуртқа поғонасининг нотўғри ривожланиши) касаллигининг олдини олиш" лойиҳаси, айниқса, катта қизиқиш уйғотди.

— Мен таклиф этган махсус парта бошланғич синф ўқувчилари ҳамда скалиоз касаллиги билан оғриган болалар учун мўлжалланган, — дейди, Андижон давлат университети талабаси Г.Холматова. — У бир қанча қулайликларга эга. Бўйга қараб мосланиши, нотўғри ўтиришга йўл қўймаслиги дарс вақтида боланинг қаддини тик тутиб ўтиришига хизмат қилади. Танлов ғолиби бўлганим менга зўр куч-ғайрат бағишлади. Келгусида инсонларга хизмат қиладиган янгидан-янги кашфиётлар қилишимга руҳлантиради.

Қашқадарёлик Дилобархон Хуррамованинг "Ўзбекистон шароитида маҳаллий хомашёлардан фойдаланиб оқава сувларни зарарсизлантириш" лойиҳаси ҳам экспертлар эътирофига сазовор бўлди. Танловнинг "Техник ишланмалар" номинациясида ғолибликка сазовор деб топилган мазкур лойиҳа амалга татбиқ этилса, оқава сувларнинг 60-70 фоизгача тозаланиш имконияти пайдо бўлади.

Танловда яна кўплаб иқтидорли ёшлар ўз салоҳиятларини намойиш этишди. Қувонарли томони, ғолибларнинг кўпчилиги олий ўқув юртида таълим олиш учун шартнома пули — таълим гранти (абитуриентлар учун) ва "Келажак овози" стипендияси соҳиби бўлишди.

Дарҳақиқат, танловнинг истеъдодли ёшларни жалб қилиш, уларни муносиб рағбатлантиришдаги ҳиссаси беқиёс. Буни бугун юртимиздаги етакчи компаниялар ва ташкилотлар, илмий-тадқиқот марказларида фаолият кўрсатаётган иқтидорли ёшлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўйлаймизки, "Келажак овози" тез орада жаҳон миқёсида ҳам акс-садо беради.

Шаҳноза БАҲРОМЖОНОВА,
"Hurriyat" мухбири

СПОРТ

ОЛИМПИАДАГА ТАЙЁРГАРЛИК

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри (Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида"ги қарорида белгиланган вазифаларнинг ижроси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида ўтказилган йиғилишда муҳокама этилди.

Йиғилишда спортчиларимиз замонавий меъёрлар асосида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиши, тажриба ва маҳоратини ошириши, халқаро мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриши ва уларда муносиб иштирок этиши учун барча шарт-шароит яратилгани таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, тадбирда айрим спорт турлари бўйича спортчилар захирасини яратиш, малакали мураббийлар тайёрлаш, ўқув-машғулот базаларининг моддий-техник имкониятларини оширишга доир масалалар муҳокама қилинди.

БОКСЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

Боку шаҳрида бокс бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган анъанавий халқаро турнирда боксчиларимиз мувоффақиятли иштирок этдилар.

49 килограмм вазн тоифасида рингга чиққан иқтидорли боксчимиз Шаҳобиддин Зоиров ирландиялик Эван Меткальф ва қозоғистонлик Ержан Жомард устидан ғалаба қозониб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олган бўлса, вазни 64 килограммгача бўлган боксчилар баҳсида озарбайжонлик Жўшқин Алиев ва россиялик Залибек Жимаиловни мағлубиятга учратган ҳамюртимиз Акмал Қосимов олтин медалга сазовор бўлди.

Яна бир боксчимиз Улуғбек Мубинов эса 91 килограмм вазн тоифасида бронза медалини қўлга киритди.

СОВРИНДОРЛАР САФИДА

Москва шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича ўтказилган халқаро турнирда ўзбекистонлик спортчилар совриндорлар сафидан жой олишди.

Ўттизга яқин давлатдан келган гимнастикачилар иштирок этган мусобақанинг хотин-қизлар ўртасидаги баҳсларида XVI ёзги Осиё ўйинлари совриндори Луиза Галиулина хода устида машқ бажаришда 13 балл, брусда бажарилган машқ бўйича 13,15 балл жамғариб, иккита бронза медалини қўлга киритди. Яна бир иқтидорли гимнастикачимиз Дарья Елизарованинг эркин машқ бажариш бўйича чиқиши 13,85 балл билан баҳоланди. Бу спортчимиз учинчи ўринни эгаллаши учун етарли бўлди.



МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

ҚУЁН ЙИЛИДА БИЗНИ НИМА КУТМОҚДА?

Азал-азалдан аждодларимиз мучал йилларининг ҳар бирида маълум бир хислат бор, деб ҳисоблаганлар. Масалан, сигир йилида фаровонлик ҳукм суради. Товуқ йилида мўл-кўлчилик, ободлик бўлади. Тўнғиз йили кирса қиш совуқ келиб, қор кўп ёғади ва ҳоказо... Худди, шунингдек, ҳар бир мучалга хос хусусиятлар ўша йилда туғилган инсонлар характерида ҳам акс этади, деган кўникмалар мавжуд.

Маълумки, тақвим бўйича кириб келаётган 2011 йил Қуён йили саналади. Ушбу мучалда таваллуд топганлар қобилиятли, камтарин, саховатли ва бироз иззатталаб кишилар бўлишади, дейишади. Улар нозик дидлари билан ҳамманинг таҳсинига ва ишончига сазовор бўладилар.



Албатта, ҳар бир одам янги йилда ҳаётида қандай ўзгаришлар содир бўлишини олдиндан билишга қизиқиши табиий. Хўш, бу беозоргина бўлиб кўринган жонивор қандай мўъжизаларни инъом этиши мумкин?

Йилшунослар Қуён йилида дўстлар, яқин кишилар бир-бирларини йўқлаб туришларини маслаҳат беради. Янги йилда севги ва оила энг меҳрталаб доира ҳисобланади. Айниқса, оила қуриш истагида юрганлар учун бу йил айни муддао. Шунингдек, ижод билан шуғулланадиган ва илмий даражага эришиш илинжидаги кишиларни ҳам омад кутиб туради.

Шарқ мунажжимларининг фикрича, от, ит, сигир, илон мучалида туғилганлар учун Қуён йили янги ишлар, янги ғоялар ва шахсий масалаларда муваффақиятларга эришиш йили бўлади. Бизнес соҳасида иш бошламоқчи бўлганларнинг ишлари анча бароридан келади. Ҳунармандлар, тикувчилар ва шу каби қўлигул усталар учун ҳам 2011 йил самарали кечади. Уларнинг мижозлари кўпаяди ва янги-янги таклифлар олишади. Йўлбарс, товуқ ва маймун йилида туғилган кишилардан изланиш, ниятларини рўёбга чиқариш учун интилиш талаб этилади. Шундагина улар ўз мақсадларига етишадилар. Бошқа мучал соҳиблари учун йил одатий ўтади.

Албатта, буларнинг барчаси бор-йўғи оддийгина башоратлар, холос. Аслида нафақат йилнинг, балки инсон умрининг мазмунли ўтиши унинг ўзига боғлиқ. Яқин инсонларимизнинг соғ-саломатлиги, бахтли эканини кўриш ҳам бизга куч ва ғайрат бағишлайди. Кириб келаётган янги йилдан фақат яхшиликларни кутиб қоламиз.

Шаҳноза ПИРМАТОВА
тайёрлади

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси уюшманинг бош мутахассиси Ларисса Арутюновага отаси **Григорьянц Сурен АБРАМОВИЧ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

e-mail: hurriyat@mail.ru

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Андижон — 8-374-250-90-39
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Қашқадарё — 8-375-357-75-10
Сурхондарё — 8-376-369-30-59
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-224-73-33
Навоий — 8-436-748-63-11

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Иномжон АБДИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.10

® — тижорат белгиси.

Адади: 8822 Буюртма — Г-1126 123 5